

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман 1-сонли
спорт мактаби директори



У.Исманов

2022й

БУЮРТМАЧИ:

**«ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАН 1-СОНЛИ СПОРТ
МАКТАБИ »**

Янгиқўрғон тумани 1-сонли спорт мактаби
стадионини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиха
хужжатлари ишлаб чиқиш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги 276-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Янгиқўрғон тумани 1-сонли спорт мактаби стадионини жорий таъмирлаш ишлари бўйича жорий таъмирлаш бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 967881,654 (Тўққиз юз олтмиш этти миллион саккиз юз саксон бир минг олти юз эллик тўрт минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўрғон туман 1-сонли спорт мактаби ”(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили, Ўзбекистон Республикаси, Манзили Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани 1-сонли спорт мактаби, Эл.адрес: _

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Янгиқўрғон тумани 1-сонли спорт мактаби” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатлар ва хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган ҳолда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- Декларация
- Ташкилотнинг ташкилий структураси

- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар
- Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи
- Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқ қарздорлиги йуқлиги тугрисида маълумотнома.
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси
- Машина ва механизмлар рўйхати
- Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот
- Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома
- Хужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман 1-сонли
спорт мактаби директори



У.Исманов

« 14 » 11 2022й

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Янгиқўрғон туман 1- сонли спорт мактаби футбол майдонини жорий таъмирлаш
2	Буюртмачи	Янгиқўрғон туман 1-сонли спорт мактаби
3	Буюртма учун асос	Янгиқўрғон тумани Халқ депутатларининг VI-40-133-6-90-К/22 қарорига асосан “Очик бюджет” дастури лойиҳаси асосида
4	Объектнинг жойлашган манзили	Янгиқўрғон тумани Янгиқўрғон шаҳар
5	Катнашувчи учун талаблар	Иштирокчилар танлов ҳужжатларига ўзбек ва рус тилида тақдим этиши мумкин. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга руҳсат берилмайди: -қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Янгиқўрғон туман 1-сонли спорт мактаби футбол майдонини жорий таъмирлаш бўйича бажарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг шартномада белгиланган нархлар ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиланган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан йил давоми учун тахминан 967881,654 (Тўққиз юз олти миш этти миллион саккиз юз саксон бир минг олти юз эллик тўрт минг) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида янгиқўрғон туман 1-сонли спорт мактаби футбол майдонини жорий таъмирлаш вазифаларни бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномалар имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида бажаради имзоланган шартнома 2022 йил 31 декабрь ойига қадар амал қилади
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиниши шарт.
10	Молияташтириш манбаи	Янгиқўрғон туман 1-сонли спорт мактаби “Очик бюджет” маблағлари ҳисобидан.

1. Танлов таклифларини баҳолаш меъзонлари

1.1. Танлов хужжатида хар бир параметр бўйича мажбурий тартибда баҳолаш меъзонлари киритилиши керак.

1.2. баҳолаш меъзонлари жадвалда келтирилган.

Янгиқўрган туман 1-сонли спорт мактабининг буюртмачилигида объектларнинг эжорий таъмирлаш, қурилиш ишлаб бажаришида объектлар бўйича танлаш таклифларини техник

БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори
I. Декларация		
1.	Пудратчи томонидан танловда иштирок этишга ва ўз таклифидаги зиммасига олинган мажбуриятлар ижросини сўзсиз кафолатловчи декларация	
II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл (24 балл)		
1.	Ташкилот структураси	1
2.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	3
3.	3 йил иш стажига эга 3 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	3
4.	Ишлаб чиқариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	2
5.	Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	4
6.	Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	2
7.	Жами Ишчи ходимлар ЯММТ да мавжудлиги	9
III. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи. 3 ва 4-шакллар (25 балл)		
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп	2
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	4
3.	Ўтган йилда 40 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	5
4.	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20%гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги (иштирокчининг баланс ҳисоботи ва молиявий ҳисоботларидан асосида баҳоланади)	6
5.	Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ва солиқ қарздорлиги йуқлиги тугрисида маълумотнома	8
IV. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл (15 балл)		
1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N — Буюртмачи бошланғич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп.	10
2.	Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.	5
V. Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл (16 балл)		
1.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 3 та дан кам бўлмаган? Қўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги	5
2.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги	11
VI. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл (5 балл)		

1.	Танлов предмети — объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камида 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инобатга олинади — 2 ва 7-шакллар	5
Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-9-шакл (10 балл)		
1.	Курилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги	10

Изоҳлар:

* 3-шаклга кейинги 3 (уч) йиллик “Молиявий натижалар №1 ва №2” илова қилинади.

** Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди.

Танлов иштирокчиси жорий таъмирлаш объектлари бўйича баҳолаш якунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа таклиф рад этилади.

• Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди:

- агар таклиф танлаш комиссиясининг балл бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

- 2, 3, 4 ва 6 шакллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади ва қолган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

Иштирокчиларнинг таклифлари қуйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий ҳисоблаш мезонларига биноан баҳоланади:

2. Танлов таклифларини молиявий қисмини баҳолаш мезонлари

Т/р	Иловаларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар			
			№1	№2	№3	...
I. Таклиф этилаётган нарх (30 балл)						
1	Иштирокчининг таклиф этган энг паст нархи – 5 балл Иштирокчининг буюртмачи бошланғич нархидан юқори нархлари рад этилади. Нархга бериладиган баллар Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси “etender.uzex.uz” портали томонидан автоматик тарзда баҳоланади.	5				
II. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори Танлов таклифларининг баҳолаш варағи (60 балл)						
1.	Танлов таклифларини техник баҳолаш якунига кўра кўп балл тўплаган иштирокчига – 95 балл.	95				

2.1. Агар баҳолаш мезонида бошқа маълумотлар келтирилган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра баҳолар гуруҳи аъзолари танлов таклифларининг қуйидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

Т/р	Иловаларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар			
			№1	№2	№3	...
I. Таклиф этилаётган нарх (5 балл)						
1	Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда).	5				
2.	Танлов таклифларини баҳолаш варағи (техник баҳолаш).	95				
	Жами баллар миқдори	100				

2.2. Танлов бўйича энг кўп балл тўплаган иштирокчи танлов ғолиби ҳисобланади.

2.3. Танлов ғолибига тўловлар тузилган шартнома асосан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм)да тўлаб берилади.